

YOSHLAR OVOZI

КИТОБ — МАНГУЛИК ОБИДАСИ

Бир куни машҳур немис шоири Хейнрих Хайне танишига шундай дебди: "Болалигимда онам шеърлар ўқиб бергани боис, шоир бўлдим. Амаким Соломон эса, банк ходими бўлиб етишти. Негаки, ойиси унга фақат савдогарлар ҳақидаги китобларни ўқиб берарди-да". Албатта, фарзандларга мутолаани ўргатишда, аввало, ота-она ўрнак бўлмоғи, уларни китобнинг сеҳрли оламига оҳиста етаклаб кирмоғи жоиз. Бу эса фарзандларнинг келгусида эл хизматига камарбаста, фидойи инсонлар бўлиб камол топишларида таянч вазифасини бажаради.

Мутолаада ҳам маданият бор

Китоб ўқининг ҳам маданияти борми? Ҳа, албатта. Шунга алоҳида таъкиллаш керакки, китоб ўқиб маданияти жуда кенг ва мураккаб тушунади. Адабиётшунос олим Озод Шарафидинов бир пайтлар "Хуррият" газетаси мухбирининг "Китоб мутолааси маданиятини кимдир ўргатганими ёки у стихияли тарзда шаклланганми?" деган саволига қуйидагича жавоб берган эди:

— Мутолаа маданиятини ҳеч ким ўргатган эмас. Агар бу маданият бўлса, унга йиллар давомида тажриба орттириб, ўзим эришганман. Албатта, кейинроқ мактаб, ўқитувчилар, дўстларим, кутубхоналар ёрдамга келган. Лекин дастлаб мутолаа жараёни муқаллаб тизинсиз кечган — бир неча йил мобайнида нушхурт чиқармай, қўлимга тушган китобнинг ҳаммасини хати қилганман. Уларнинг орасида олам сирларидан, табиатдаги буюмлар ва ҳодисалардан ҳикоя қилаётган илмий-оммабоп асарлар ҳам кўп эди.

Ҳўш, мутолаа маданиятини шакллантириш учун йиллар тажрибасига эҳтиёж бор бўлса, ҳозирги ёш авлоднинг "башанг муқовали" (мазмунан саёз) китобларни ўқийётганини ёқлаш мумкинми?

— Ҳарқалай китоб ўқияпти-ку! Шунга шукр қилиш керак. Ёмон йўлга

кириб, ўтганнинг ўроғини, қайтганнинг кетмонини олувчи қароқчи, зулмкор эмас-ку. Сал бачкана, бир мунча саёз бўлса-да, китоб титкилапти. Мухими, шу эмасми?! Адабиётга дил берган инсоннинг кўнглига эзгулик танда қўяди, — дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг матбуот тарқатиш, китоб савдоси ва кутубхона фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Нодир Қосимов. — Бугун китоб савдо дўконларида кириб, қандай мазмунда ва қай шакл-шамойилда бўлишдан қатъи назар, китоб харид қилаётган ҳар бир ёшнинг эъзозлаш керак. Унга далла бериб, қалбда китобга ошнолик ҳиссини кучайтириш шарт. Шиддатли замоннинг ўзгармас талаби ҳам шу. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ китобларни ўқима, десак хато қилган бўлаемиз. Сиз ва биз ўйлаётган китоблар мутолаасига шунинг учун ҳам, аввало, қаланғи-қасанги, ур-сур, жиноятнинг узун йўли тасвирланган ёки бойликка эгаллик қилишга ундовчи китобларнинг ўқиса ёмон эмасдек туюлади менга. Ҳамиша танганинг икки томони бор, шунга ёдда тутиб иш кўрсак, айни мўддао буларди. Савдоси яхши, талаб бор китобларни йиғиштириб олсак, шу мазмундаги китоблар хориждан кириб келади. Бу ҳаётинг аксиома. Йиллар ўтиб, китоб танлаб ўқиш маданияти ҳам оммавий ривожланиш босқичларидан юқори даражага етишига ишончим комил. Бунинг учун ҳам мунтазам китоб ва мутолаа тарбиясини қанда қилмаслик керак. Акс ҳолда, баландаларвоз гаплар билан чеклаб қолган бўлаемиз. Китоб ихлосмандлигига қақирувни бир сония кечиктириб ҳам, тўхтаб ҳам бўлмайди.

Шу ўринда ХХ аср дунё адабиётининг машҳур адибларидан Ҳерман Хессенинг жаҳон адабиётшунослари томонидан юксак баҳоланган "Китоблар сеҳри" асаридан бир парча келтириб ўтасак: "Кўпчилик китоб ўқини билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқийётганини тузукроқ

англамайди. Баъзилар бунга ўқимишда бўлишнинг қийин, бироқ ягона йўли деб билади. Улар учун ҳар қандай ўқиш кишини "ўқимишли" қилади. Бошқа бировлар учун ўқиш — бу дам олиш, шунчаки вақтни ўтказиш ва уларга нимани ўқиш барибир (романми, ҳикоями, шеър, хабар ва ҳоказо), зерикарли бўлмаса бўлгани... Шунчаки ўқиш — бу диққатни тўплашга мажбур этувчи машғулот ва овуниш учунгина ўқиш ўз-ўзини алдашидир. Лоқайд кишилар учун умуман бирон нарсасдан овунишнинг ҳолати йўқ... Мулоҳаза қилмасдан ўқиш — ҳушманзара табиат қўйнида кўзни боғлаб юришга ўхшайди. Биз ўзинини ва турмушимизни унутуш учун эмас, ҳаёт жилавини янада онгли равишда англаш учун ўқиниш керак. Ҳар бир китобхонга қанақа китоб ўқиш ва сотиб олиш борасида бирор маслаҳат, қонданни кўрсатиб бўлмайди. Бу ишда ҳар бир киши ўз дид ва билимига суяноғи даркор. Бир неча бор кўпчилик кишилар шахсий кутубхона учун энг зўр 1000 ёки 100 китоб рўйхатини тузишга уринишган ва бундан маъно чиқмайди. Аслида китобхон иккинчи бор мутолаада ҳам яхши таассурот қолдирган китобни албатта сотиб олгани тузук, гарчи у қимматроқ турса ҳам. Юзта энг яхши китоб ёки муаллиф бўлмайди. Энг тўри, энг аниқ ва умуман инкор этиб бўлмайдиган танқид ҳам йўқ. Кимда ким умум томонидан қабул қилинган қоида ва қолипчиликларга эмас, ўзининг нозик дид ва юрак амрига қулоқ тутсагина китобларнинг сеҳри оламини кашф этишга мушарраф бўлади".

Фикрлар таққосидаги ойналашув

Китоб инсоннинг доимий йўлдоши бўлиб, унинг ақлий тараққиётига ёрдам беради. Айниқса, болаликдан оқ китоб танлаб, мазмунан бой, маънан юксак савиядаги китоблар мутолааси киши камолотида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-саҳифада)

ESHITDINGIZMI?



ЎЗБЕКISTON ЁШЛАРИ УМУМЖАҲОН АССОЦИАЦИЯСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Маросимда мамлакатимизнинг Санкт-Петербургдаги бош консулиги ходимлари, ассоциация вакиллари ҳамда мазкур шаҳарда истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз иштирок этди.

Ассоциациянинг Россия Федерациясидаги вакили Равшан Атамуродов йиғилганларга вако-

латхона олдидаги вазифалар ҳақида гапириб берди. Таъкидланганидек, ушбу тузилма Санкт-Петербургдаги ўзбек ёшларини ижтимоий ҳимоя қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан шуғулланади.

— Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ваколатхонаси таш-

ЁШЛАР КУНИГА



Ёшлар иттифоқи 2 минг 230 нафар йигит-қизнинг тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишига кўмаклашди. Натижада 4 минг 595 иш ўрни яратилган.

маълум бўлади. Навбатдаги баҳсла пентакампеонлар олдиги турдаги дуранг аламини Коста-Рикадан олди. Қўшимча дақиқаларда урилган икки гол Бразилияга уч очко келтирди.

Амалдаги жаҳон чемпиони — Германия терма жамоаси мундиални мағлубият билан бошлади. Айтиш керак, бу маълум аънава сўнгги тўрт чемпионатдан буён зулуксиз давом этмоқда. Мексикага мағлуб бўлган "немис машинаси" иккинчи турда гуруҳ пешқадами Швецияга қарши саф тортди. Саралаш циклида бизни гуруҳда қолириб кетган кореялик чарм тўп усталари эса, Мексика билан юзлашади.

"С" гуруҳида аввалги турда Бельгияга бир таймгина қаршилиқ кўрсата олган турнир дебютанти — Панама энди унданда кучилироқ рақиб — футбол ватани вакиллари синовидан ўтиши керак. Сўнгги дақиқаларда Ҳарри Кейнинг голи эвазига мағлуб бўлган Тунис эса, Бельгия билан куч сынашади.

Ва ниҳоят, охириги гуруҳ. Япон "самурай"лари ва Сенегал, Польша ва Колумбия ўртасидаги баҳслар футбол ихлосмандларини қизиқтириши табиий.

Биз беллашувларни кузатишда давом этамиз.

Шерзод МАҲМУДОВ

РУС ЎЛКАСИДАГИ ЯШИЛ МАЙДОН "ЖАНГЛАРИ"



Орзиқиб кутилган мундиалнинг иккинчи тур ўйинларига ҳам старт берилди. Россия майдонларида ўтказилаётган баҳслар тобора қизғин тус олмоқда.

Чемпионатнинг илк тури кутимган натижаларга бой бўлди. Голиблик учун асосий даъвогарларнинг очко йўқотиши, аутсайдерларнинг эса, аксинча, шижоаткор ўйин кўрсатиши йирик футбол анжуманига ўзгача руҳ бағишлагани ҳам рост.

Айни пайтда "А" гуруҳида мутахассислар томонидан имконияти паст баҳоланган Россия терма жамоаси ўзига хос юришини амалга оширди. Головин ва Черишев етакчилигидаги жамоа аввалги саудияликларни "ранжитган" бўлса, иккинчи турда Мухаммад Салоҳ бошчилигидаги Миср термаси устидан ишончли галабага

ва Марокаш терма жамоалари устидан битта тўп фарқи билан галаба қозониб, биринчи ва иккинчи ўринга кўтарилиб олди.

Иккинчи тур баҳслари "С" гуруҳидаги икки термининг тақдирини ҳал қилди. Жаҳон чемпионидаги асосий даъвогар Франция Перуни мағлубиятга учратди. Мундиалнинг энг ёш тўпураги Мбаппе киритган гол ҳал қилувчи бўлиб чиқди.

Ана энди биз, ўзбекистонликлар алоҳида қизиқиш уяғотган гуруҳга ҳам етиб



FIFA WORLD CUP
RUSSIA 2018



MUNOSABAT

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР МАСЪУЛИЯТИ ОШМОҚДА

Юртимизда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кенг қўлланли ишлар амалга оширилмоқда. Пировардида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш борасида муайян натижаларга эришилди. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам катта масъулият юкланди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу соҳадаги мавжуд муаммо, камчиликларни бартараф этиш ҳамда тизим фаолияти самарадорлигини

оширишда муҳим омил бўлди. Ушбу қарор ижроси доирасида жойларда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга эришилди. Ўз навбатида, мунтазам ташкил этилаётган профилактик тадбирлар аҳолини ҳушёрликка чорлаб, атрофда бўлаётган воқеаларга янада эътиборли бўлишга ундамоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДА КОНЦЕРТ



Наманганда Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг "Open Air — Oltin Vodi" — очиқ осмон остида концерт дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорли-

гида ташкил этилган концерт дастури "Уч фаввора" хиёбонда намойиш этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



"КАМАЛАК"НИ ҚАРШИ ОЛ!

3

BELLASHUV

Малик СИНДОРОВ

БУ ЎҒЛОНЛАР ЮРТИМИЗ ОРИ



Ёшлар иттифоқи Қуролли Кучлар тизимидаги аъзолари ўртасида илк маротаба "Мард ўғлонлар" ҳарбий-спорт мусобақасини ташкил этди

Ташаббус Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалардан келиб чиққан. Ўз навбатида, мазкур ҳужжатда

ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ўғлонларни бирлаштириш, Ватанига содиқ, мард, жасур қилиб тарбиялаш ва албатта, муносиб рағбатлантириш кўзда тутилган. "Мард ўғлонлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг 30 июнь — Ёшлар куни олдидан ўтказилишида ҳам

ўзига хос рамзий маъно бор. Мудофаа вазирлиги спорт клубида бўлиб ўтган белашувларда Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Давлат божхона кўмитасидаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари аъзоларидан иборат жамоалар иштирок этди. Маълумот ўрнида айтиш керак, ҳозирги кунда мазкур тузилмаларда ёшлар ташкилотининг жами 543 та ячейкаси мавжуд. Уларда 2 минг 172 нафар сардор фаолият кўрсатмоқда.



Мусобақа давомида йигитлар бокс, қўл жанги, футбол ҳамда эркин усулда сузиш ботида маҳоратини намойиш этди. Дастлабки икки спорт тури бўйича баҳслар 65, 75 ва 85 килограмм вазн тоифаларида ташкил этилди.



Сузиш эстафетасида эса, ҳар қайси жамоадан бир нафардан вакил қатнашди. Яшил майдондаги мўрасасиз ўйинлар, шубҳасиз, лойиҳанинг энг томошабоп қисмига айланди.

Сўнгги натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Мудофаа вазирлигининг қўли баланд келди. Миллий Гвардия иккинчи, Ички ишлар вазирлиги учинчи ўринни эгаллади. Фолбларга кубок, диплом, медаллар ва эсадилик совғалар топширилди. Тантанали тақдирлаш маросимида Мудофаа вазирининг ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Азиз Икромов ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Мурод Зуфаров сўзга чиқди.

КИТОБ — МАНГУЛИК ОБИДАСИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

— Элимизда азал-азалдан китобларни танлаб, энг нодир асарлар, дostonларни ўқиш, қироатхонлик кечалари уюштириш ўрф бўлган. Бунинг учун ҳуқуқматнинг қандайдир муҳим топшириғи кутиб турилмаган. Билмак, бу анъана ажодлардан-ажодларга мерос ўтиб, ёзилмаган қонунлар асосида гоятда кўркам қилиб тартиб берилган. Дostonхонлик кечаларидаги завқу шавқ билан улғайган ўғил-қиз она тўпрок ҳимояси, шу юрт маффаати йўлида жон аяшмаган, — дейди Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш

бўлими бошлиғи Фароғат Худойкулова. — Кўряписизми, яхши китобнинг ижобий таъсири қандай улғувор ишларга дастмоя бўлади! Туғри, бир мудаат китобхонликдан топарман-тутармонлик сари юз бурдик. Буни сира ҳам айб санамайман. Тирикликнинг моҳияти шунда-ла, ахир. Лекин тадбиркор, уздабурон одам китоб ўқимайди дегани эмас-ку. Боз устига улар вақтини қизғаниб, зарур китобларни танлаб ўқишга ўрганишди. Мақсад, яшашнинг ўлмас мезонларига зид бўлмаган ҳолда, ўқиб, ўқиб умр кечиришди. Бу йўлда кенг омма орасида "Энг яхши китобхон", "Китобхон

оила", "Менинг биринчи китобим", "Китоб — энг яхши совға" сингари мавзуларда викториналар, интеллектуал ўйинлар ўтказилаётгани ҳам айна мудаодир. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари айтганидек: "Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир". Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас... Саралаб ўқилган китоблар инсон онгини бойити, унинг ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри тушунишга, вақтироқ илғашга имкон беради.

Мухими, китоб барча-барча учун тўғри яшаш ва ҳаётда ўзига мос ўрин танлаб олишга ўргатувчи дарслик, беминнат дўстдир. Бойси, ундан истаган вақтда фойдаланса бўлади. Унутмаслик лозимки, китоб ўтмиши ҳам, бугун ва эртани ҳам боғлаб турувчи асосий воситадир. Буюк адиб Абдурахмон Жомий айтганидек: «Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас, Давр ғамхонасида ғам ғусор бўлмас. Ёлғизлик кунда ундан ҳар қачон, Юз роҳат етар лек, бир оз бўлмас». Китоб инсониятга ақл-идрок маёи, тафаккур сарчашмаси бўлиб хизмат қилади. Бу эса ҳар томонлама соғлом инсонни тарбиялашнинг асосий мезонилади.

Ғайрат ШИРИНОВ,
ЎЗА мухбири

TASANNO!

САККИЗ ТАЛАБА ВА БИР ИННОВАЦИЯ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети талабалари йўл ҳаракати қондаларини бузувчи шахслар ҳамда автомобилнинг давлат рақамини аниқлаш имконини берадиган видеофиксация тизимини яратди.



Лойиҳа "ABL-Soft&SS" ва "Smart-Base" компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилган. Инновацион тизим илк бор Андижон шаҳрида синондан ўтказилди. Видеокузатув камералари шаҳарадаги

еттита чорраҳада ўрнатилиб, тўртта қондабузарлик ҳолатини қайд этган. Инҳа университетиди таълим олаётган бўлғуси IT мутахассислари —

Аъзамжон Раҳимжонов, Шерзодбек Тожимахамматов, Элбек Ҳошимжонов, Нормурод Мамасолиев, Дostonбек Орипжонов, Мухаммадшер Шерма-

матов, Жасурбек Абдиризиқов ҳамда Муслим Холжуревнинг изланишлари самараси айна вақтда Андижон вилоятида ҳаётга татбиқ этилаётган "Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси учун асқатгани алоҳида аҳамиятли жиҳатдир. Демак, йигитлар истиқболимиз учун муносиб ҳисса қўша олган. Эндиликда улар Масаллар вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасининг кейинги босқичларида ҳам иштирок этса, ажаб эмас.

AKS-SADO

ИЛМУ ДОНИШНИНГ АСОСИ

Сабоҳат ЖУМАНИЕЗОВА,
Республика Маънавият ва маърифат марказининг етакчи мутахассиси

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун кенг қўламли саъий-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу борада оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги янада мустаҳкамланаётгани, айниқса, муҳим.

маҳсулотларини чоғ этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармони мазкур йўналишдаги ишларнинг жадаллашишига туртки берди. Айна вақтда ўтказилиб келинаётган турли маърифий тадбир ва танловлар оилаларга зиё нурини улашмоқда. Биргина "Энг яхши китобхон" кўрик-танловиди иштирок этиш истагидагиларнинг кун сайин ортиб бораётгани фикримизни исботлайди. Шу аснода тенгдошларимизда китобга

Сабаби бугунги глобаллашув шароитида ота-оналар, маҳалла аҳли ҳамда педагогларнинг баҳамжиҳат бўлиши ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш, муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилади. Ёшлар жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун тафаккури кенг, маънавий

ва ақлий салоҳияти юқори бўлмоғи даркор. Бунга эса, китоб мутлоаси воситасида эришиш мумкин. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДА КОНЦЕРТ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Оқшом чироқларидан эрталардагидек жозиб ва фусункорлик касб этган хиебон кенг мумтоз музика ва кўшиқ кечаси салобатига мос қийинган, сурат ва сийратидан сеҳрли музика олами билан уйғунлашиб кетишга тайёр вилоят аҳли, кенг жамоатчилик, фахрийлар ва ёшлар билан гавжум. Табиат ҳам шундай фараҳбахш оқшомга монанд салқин эпкинлари билан вужудга ва руҳга ҳаловат бағишлайди. Барча бир мўъжиза кутаётгандек ёқимли сабрсизлик билан очик

саҳна томондан кўз узолмай ўтирибди. Ҳа, наманганлик санъат мухлислари учун чиндан-да бу умидворликни ўн чандон оқлайдиган мўъжиза юз берди. — Тошкентда ташкил қилинган "Open Air" биринчи симфонияси сабаб анъанага айланган бу концерт томошабинларга тури музикаси услублар оҳангларидан баҳраманд бўлиш ва табиат ҳамда санъат уйғунлигини ҳис қилиш имконини беради. — дейди лойиҳа менежери Дилбар Бобоҷонова. — Уни ўтказишдан мақсад, мумтоз наволар

ва жонли ижро ихлосмандлари доирасини кенгайтириш, жаҳон ва миллий мумтоз кўшиқлар дурдоналарини тарғиб этишдир. "Open Air" концерти — бу таниқли хонандалар билан учрашув ва янги истеъодлар билан танишувдир. Бу шоу томошабинлар учун мумтоз музикаси асарлар, машҳур романтик оҳанглар ва опера музикалари, фильмларга ишланган саундтреклар, рақсбop композицияларнинг оригинал ишланмаси, юморга бой чиқишлар, қутилмаган совғалар ва ҳоказоларни ўзида мўъжассам этган.

Мазкур лойиҳа пойтахтда ўз эътирофини топган, ташкилотчилар томонидан унинг географик қамровини кенгайтиришга қарор қилинди. "Open Air — Oltin Vodiy" — бу Фарғона vodiysida ўтказилаётган қатор концерт дастурларидир. Лойиҳа водийнинг энг гузал шаҳарлари бўйлаб ҳақиқий саёҳатни ўз ичига олади, маҳаллий томошабинлар Ўзбекистон миллий симфоник оркестри репертуари, таниқли ва ёш хонандалар санъатидан баҳраманд бўлади. Концерт дастурлари улар ўтказиладиган минтақанинг ўзига хос

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Очик осмон остидаги концертда Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг етук санъаткорлари ва иқтидорли ёшлар томонидан П.Чайковскийнинг "Оққуш қўли" балети, Моцартнинг "Сеҳрли флейта" операси, Э.Солиҳовнинг "Умид" операсидан музикалар, "Маҳаллада дув-дув гап", "Мафтунингман", "Чинор остидаги дуэль" каби машҳур кинофильмлардан саундтреклар, турк сериаллари музикаларидан попурилар ("Мухташам юз йил", "Тойгар", "Ичкарида"), Ботир Зокиров ва Муслим Магомаев репертуари



ридан кўшиқлар, Ш.Рамазоновнинг "Наманганнинг олмаси" ашуласи, Андижон полькиси ва Хоразмча лозги каби халқ рақслари, кўплаб бошқа мумтоз асарлар юксак маҳорат билан ижро этилди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов, истеъодли хонандалар Хуршид Иноғомов, Ширин Маматова, Акилбек Пиязов, Дамир Раҳмонов, Милена Мадмусаева, Алмибай Каримбаев, Абдулла Ширинов ва "GRAND VOICE" гуруҳларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

меҳр уйғонмоқда, ажодларимизнинг "Китоб жавони — жақсий зиёлининг энг ардоқли давлати" деган ҳикмати ҳам ҳаётда ўз исботини топаёттир. Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таъкидлаганидек, китоб эзгулик ва бунёдкорлик, илму донишнинг асоси. У ҳаётни яратувчи мураббийдир. Шу маънода; эл-юртимизга азалдан хос бўлган одамийлик, меҳр-оқибат, бағрикенгликдек олижаноб туйғулар, инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик каби юксак фазилатларни ёшларга сингдиришда китобнинг ўрни беқиёс.

Мазкур қарор билан 2018 йил 1 июлдан "Хавфсиз пойтахт" концепциясининг ташкил этилиши жамоат тартибини ўз вақтида таъминлаб, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини мустаҳкамлашга соҳада давлат органлари ва фуқародлик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлик механизмининг такомиллаштириш гоят муҳимдир. Таъкидлаш жоизки, "Хавфсиз пойтахт" концепциясининг ташкил қилиниши шаҳримиздаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаб бериши билан бирга ҳар бир фуқа-

ЖАМОАТ ТАРТИБНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР МАСЪУЛИЯТИ ОШМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Касбим ҳуқуқшунос бўлгани учун кўп йиллар давомида бу борада аҳолини қиянаб келаётган масалаларни ўрганишга ҳаракат қилдим. Ҳозир нафақада бўлсам ҳам ўзим яшаётган "Увайсий" маҳалла фуқаролар йиғини раисси лавозимида ишлайман. Иш фаолиятимиз давомида бошқа мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бироқ, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда тўсқинлик қилаётган бир қатор камчилик ва муаммолар ҳам учраб туради. Президентимизнинг 2018 йил 19 июндаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори пойтахтимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан бир қаторда, барчамизга янада кўпроқ масъулият юклайди.

Мазкур қарор билан 2018 йил 1 июлдан "Хавфсиз пойтахт" концепциясининг ташкил этилиши жамоат тартибини ўз вақтида таъминлаб, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини мустаҳкамлашга соҳада давлат органлари ва фуқародлик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлик механизмининг такомиллаштириш гоят муҳимдир. Таъкидлаш жоизки, "Хавфсиз пойтахт" концепциясининг ташкил қилиниши шаҳримиздаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаб бериши билан бирга ҳар бир фуқа-

рога хотиржамлик бағишлайди. Бугунги кунда маҳалламизда 5 минг 600 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан шахримизнинг ҳар бир маҳалласида "Фидокор ёшлар" жамоатчилиги патруль гуруҳлари ташкил этилиши, уларнинг таркиби фаолият олиб борадиган маҳалла ҳудудида яшовчи ёшлардан шакллантирилиши бизни жуда қувонтирди. Маҳалламизда "Фидокор ёшлар" жамоатчилиги патруль гуруҳлари ташкил этилди. Эндиликда 13 қўш қаватли уйнинг ҳар биридан 2 нафар ёш профилактика инспекторлари билан тунги вақтда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга фаол қатнашади. Жорий йилнинг биринчи ярмида маҳалламиз ҳудудида содир этилган 10 ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг барчаси фош этилган бўлиб, айбдорларга қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Ўшбу масалалар бўйича маҳалламизда доимий тушунтириш-тарғибот тадбирлари ўтказилди. Жамоатчилик патруль гуруҳлари иш бошлаганидан сунг ҳудудимизда тунги вақтда бемақсад юрадиган шахслар, айниқса, ёшлар камаямоқда. Маҳалламиз ёшларининг вазифасига нисбатан масъулияти ошиб, ўз уйи, маҳалласи тинчлиги, ота-онаси ва оиласи хотиржамлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Дилшод МАҲБУБОВ,
Тошкент шаҳри Юнусов тўқтинчи маҳалла "Увайсий" маҳалла фуқаролар йиғини раиси.
ЎЗА

Акрамжон САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири

YOZ — 2018

“КАМАЛАК”НИ ҚАРШИ ОЛ!



Бирон кун йўқки, “Камалак” болалар ташкоти сардорлари ёзги оромгоҳларда дам олаётган тенгдошлари ҳузурига отланмаса. Мақсад аниқ ва тушунарли — ўқувчи-ёшларнинг таътил вақти мароқди ҳамда унутилмас таассуротларга бой ўтиши керак. “Ёзни “Камалак” билан” лойиҳаси бу борада аини музда. Ҳозирги кунда унинг доирасида республикамиз бўйлаб турфа тадбирлар ўтказилмоқда. Мухбирларимиз жойлардан хабар беради.



Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Олтинсой туманидаги “Вахшивор” ҳамда “Мироб” болалар соғломлаштириш оромгоҳларида маҳаллий сардорлар волейбол, футбол, шахмат, шашка мусобақаларини ўтказди. Беллашувларда 200 нафарга яқин спортсевар тенгдошимиз иштирок эди. Шунга ўхшаш тадбирлар Денов туманидаги Чашма Топшувлатбой ҳамда Узун туманидаги Холмухаммад Қўлиёзов номидаги дам олиш масканлари, шунингдек, Шерободнинг сўлими гушаларидан бирида жойлашган “Вандоб” болалар оромгоҳида ҳам ташкил этилган. Бойсун туманидаги “Тузбозор” маҳалла фуқаролар йиғинида эса, оромгоҳларга боролмаган 70 нафар ўғил-қиз учун “Ёз — ўтмоқда соз” шиори

“САРДОР БЎЛГИМ КЕЛДИ”

Шодик ҒАЙБУЛЛАЕВ



Навоийлик сардорлар вилоятдаги “Ишонч” ва “Шаббода” дам олиш масканларида бўлди. Кун давомида ўғил-қизлар учун жамоани шакл-

ниҳоятда тиниб-тинчимас, жонқуяр экан, — дейди “Шаббода” оромгоҳида дам олаётган Жасур Сўхробов. — Рост, уларга қараб менинг ҳам сардор бўлгим келди. “Ёзни “Камалак” билан” лойиҳаси асосида кўп нарсаларни ўрганилган. Шундай мароқли пайтда вақтинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолар экансан.

Кун охирида танловда голиб бўлган ёшлар Иттифокнинг диплом ва эсаалик совғалари билан тақдирланди.



СОВҒАСИГА — МАКТАБ ФОРМАСИ

остида бир қанча маърифий, маданий ва кўнгли очар тадбирлар ўтказилди. Фаол иштирокчиларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Яна бир эътиборли жиҳат: “Ёзни “Камалак” билан” лойиҳасига кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳам жалб этилган. Шу чоққача уларнинг сони 174 нафарга етди. Ёшлар иттифокнинг Узун тумани кенгаши томонидан болаларнинг 50 нафарига совға тарихасида ҳатто янги мактаб формаси тақдим этилган.



Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

“Камалак”чиларнинг қадами Хоразмнинг Богот туманига ҳам етиб борди. Кун кеча шу ердаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернати қошида ташкил этилган “Ёшлик” ҳамда 1-футболга ихтисослаштирилган мактабда фаолият кўрсатаётган “Истиқлол” кундузги оромгоҳларида “Келинг, танишамиз!”, “Кувноқ болажон” каби лойиҳалар амалга оширилди.

Қолаверса, “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдорларимиз!” тарғибот лойиҳасига ҳам старт берилган. Унинг доирасида болалар вақтни самарали тақсимлаш, тўғри овқатланиш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, зарарли одатлардан сақланиш, қўллар гигиенаси борасида малакали мутахассислардан сабоқ олмоқда.

Яқинда туман етакчилар кенгаши сардори Жаҳонгир Комилов ташаббуси асоси-

да “Дўстимга хат” лойиҳаси ҳам амалга оширилди. Бунда ўқувчилар ота-онаси ва дўстларига самимий тилакларини ёзма тарзда изҳор этди.

— Спорт беллашувларига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди Ёшлар иттифокнинг Богот тумани кенгаши раиси Отажон Матниёзов. — Масалан,

дайки, болалар уч гуруҳга бўлиниб, ҳаёлий хазинани топиш учун мантиқий саволларга бирма-бир жавоб бериши керак.

“Ёшлик” ва “Истиқлол” оромгоҳларида “Табиат ёшлар нигоҳида” шиори остида асфальтга расм чизиш танловлари ҳам ўтказилди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

ТАНИШАДИ, ХАТ ЁЗАДИ, БАҲСГА ҲАМ ТАЙЁР!

ҳозир кўчада спорт ўйинлари ўтказилмоқда. Шу билан бирга, ҳоҳловчилар шахмат, шашка, стол тенниси баҳсларида маҳоратини синая кўриши мумкин.

“Ёзни “Камалак” билан” концепциясига киритилган яна бир лойиҳа “Оромгоҳ хазинаси” деб номланиб, ўқувчи-ёшларнинг география, тарих фанларидан билимларини чуқурлаштириш ҳамда мантиқий фикрлашга ўргатишга қаратилган. Қондаси шун-



TASHABBUS

ЎҚИГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Икром БОБОҚУЛОВ, коллеж директори

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежида ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбири ташкил этилди. Унда Ички ишлар вазирлиги академияси ўқитувчилари ўз маърузалари билан қатнашди.

Хусусан, таълим муассасаси доценти, полковник Шариф Қобилов ёш авлод таълим-тарбиясида китобнинг ўрни хусусида гапирар экан, юртимизда аҳолини мутоллага жалб этиш борасида олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этди.

Тадбир якунида коллеж кутубхонасига юз дона китоб тўхфа этилди. Шунингдек, билими, ахлоқи билан тенгқурларига ўрнак бўлаётган ўқувчилар диплом ва эсаалик совғалар билан тақдирланди.

KASBIM — FAXRIM

Ноила ДАВЛАТОВА

Самода эркин парвоз қилаётган қушларга, тунлар чироғи кўзни қувнатадиган самолётга ҳавас ва ҳайрат ила боқадиган болакай отасига: “Варрак керак эмас. Менга қанот ясаб беринг, учгим келяпти!” — дейди. Дунёда учини орзу қилмаган инсон йўқ.



ЛОЧИНБЕКНИНГ ПАРВОЗИ

Лекин ҳамма ҳам қанот ясаб олишни орзу қилавермайди. Одамнинг исми ҳам ҳаёт йўлида муҳим ўрин эгаллаши шудир, эҳтимол...

Ўринбой ака шулар ҳақида ўйлар экан кун келиб ўғли ниятига етиб учувчи бўлишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Лекин мурғак қалбида катта орзуларни жо этган Лочинбек Равшанов устозлар сабоғини кунт билан тинглаб фанларни пухта ўзлаштирарди. У бу интилишлари мақсади сари етаклашни ўша пайтдаёқ англаб етган бўлса, ажаб эмас. Лочинбек мактабни аъло баҳоларга яқинлағач, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ҳужжат топ-

ширди. Энди ўсмир шунчаки учувчи бўлишни эмас, балки ватаннинг мард ўғлини, посбони бўлишни ҳам ният қилганди.

Қаҳрамонимиз ўқишни тамомлагач, маълум муддат Қўқон, Бухоро, Қарши, Тошкент шаҳарларида хизмат қилди. Ўзи учун кадрдон таълим маскани — Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига қайтиб, шу ерда меҳнат фаолиятини давом эттирди.

— Ҳарбий бўлганимдан афсусланмайман, — дейди Л.Равшанов. — Тўғри, ишим сабаб кўпинча оилавий тадбирларда қатнашолмайман, яқинлар дийдорини соғинаман. Лекин самога кутарил-

ганда она дидимизнинг қай бир гўшасида бизга ҳавас ила боқиб, тинч ва осуда кунларга шукрона айтётган юртошларим борлигини тасаввур қиламан. Мана шу ҳолат менга куч-қувват бағишлайди.


Лочинбек нафақат орзу қилганидек учувчи бўлди, балки юрт осойиши йўлида хизмат қилишга шай ёшларга сабоқ бериш бахтига ҳам муряссар бўлган. Етмиш бешинчи баҳорини қарши олган Ўринбой бобо эса, ўғлининг элда эъзоз топаётганини кўриб: “Инсоннинг кукка бўйлаши фақат ўзига боғлиқ экан. Касбинг ва яхши фазилатларинг қанотингдир!” — дейди мамнуният ила.

ISLOHOT ODIMLARI

23 БАДИИЙ ФИЛЬМ ҲАДЕМАЙ ЭКРАНЛАРИМИЗДА

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида “Ўзбеккино” миллий агентлиги қошидаги Бадий кенгаш томонидан 23 та бадий фильм суратга олиш учун тасдиқланган. Улардан 11 таси тарихий мавзуда. Мазкур рўйхатдан “Имом Абу Исо Термизий”, “Элпарвар”, “Ислохўжа”, “Саид ва Саида”, “Берлин — Окқўрғон” каби кинокартиналар ўрин олган. Бу ҳақда пойтахтимизда ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Тўмарис АБЗАМ



Тадбирда “Ўзбеккино” бош директори Фурқат Зокиров журналистлар билан мулоқот қилди. — Хитой, Япония, Россия, Ҳиндистон, Туркменистон, қирғизистонлик ҳамкорлар билан янги лойиҳалар устида иш бошладик, — дея таъкидлади Ф.Зокиров. — Масалан, ҳозир ҳинд киноижодкорлари иштирокида “Шоду ҳуррамлик” ҳамда қирғиз ҳамкасбларимиз билан бирга “Сарвқомат дилбарим” бадий фильмлари яратилмоқда. Суратга олиш жараёнлари йил охиригача яқунланади.

Замондош қаҳрамонлар кифасини яратиш бугунги кун

ўзбек кинематографияси олдидики долзарб вазифадир. Шундан келиб чиқиб давлат буюртмаси асосида “101-рейс”, “Ёвқурлар”, “Тақдир поезди”, “Барон-2” сингари йирик картиналарга қўл урилган. Шунингдек, тез орада болалар ва ўсмирлар учун “Узвийлик”, “Гилдиракли уй”, “Довюррак ошпаз” анимацион фильмлари экран юзини кўради. “Кенжа ботир-2”, олти қисмли “Матизнинг саргузаштлари” мультфильми эса, намойишга тайёр.

Матбуот анжуманида жорий йилнинг октябрь ойида юртимизда халқаро кинофестиваль ўтказилиши ҳам айтилди.

ИСРОИЛЛИК ПРОФЕССОРДАН МАҲОРАТ САБОҒИ


Равшан ОМОНОВ

Холон технологиялар университети илмий бўлими координатори, геологик ахборот тизимлари бўйича мутахассис Марк Исроил Ўзбекистон Миллий университети талабаларига маҳорат сабоқларини бермоқда.

Лойиҳага асосан математика, геология ва география факультетларида таълим олаётган йигит-қизлар жалб этилган. Икки ҳафталик дастур доираси-



да улар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида геологик тадқиқотлар олиб бориш бўйича янги билим ва кўникмалар ўзлаштиради. Машғулотлар бешта гуруҳда олиб бориляпти.



ХАЙФСАН

Бугун унинг "қамчисидан қон томари":
— Салимов, тур! Вазифани айт!
— Устоз, ҳалиги...
— Ҳа, "икки"! Хўш, ўтган дарса берилган топшириқни ким айтади?

Синфхонага сукут чўкди. — Демак, ҳеч ким. У шундай дея журнални "икки"ларга тўлдириб ташлади. Жаҳли чиққанидан ўзини қаерга қўйишни билмасди. Бугунги кун омадсиз бўлди. Яна хайфсан олди. Негалигини ўзи ҳам билмайди. Бунинг сабаби фақат директор ва кеча тунда отамлашган ўлфатларига аён. — Ишдан бўшасаммикан? Шу гавғолар жонга тегди. "Ишга эрта кел! Уни қил, бунни қил!" Эртагаёқ аризамни ёзаман. Оббо, ҳозир бошим ёрилиб кетади. Кеча қайданам... Бу гапларни эшитиб турган ўқувчилар ўзаро пичирлашди. Шунда улардан бири юрак ютиб сўради:

— Устоз, сиз ўзи қайси фандан дарс берасиз?
— У эса жаҳл билан:
— Аҳмоқ қиялсанларми? Биологиядан дарс беришимни билмайсанларми? — деб саволга-савол билан жавоб қайтарди.
Шунда ўқувчилар:
— Биламиз. Аммо биз — туртинчи синфмиз. Бизга биология дersi ўтилмайди, — дея жавоб берди.
— Нима? Туртинчи синф!...
У шоганча хонадан чиқиб кетди. Ҳаттоки, қайтиб, ичкарида қолган кўзойнагини ҳам олишга ботинолмади. Ҳаттоки, қайтиб, ичкарида қолган кўзойнагини ҳам олишга ботинолмади. Ҳаттоки, қайтиб, ичкарида қолган кўзойнагини ҳам олишга ботинолмади.

O'QING, BU QIZIQ!

Германияда ҳайдовчи бармоғи билан бошқа ҳамкасбига ноҳоз қилиб қилиши тақиқланган. Бу қоидабузарлик учун жарима даф-бодо балл қўйилади. Ма-бодо баллар миқдори саккизтага етса, ҳайдовчилик гувоҳнома-си олиб қўйилади. Ҳайдовчининг қо-лига 0,5 промилле алкоголь бор-лиги аниқланса, уч балл қўйилади, холос.

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Ўтган йили коллежни тамомладим. Шу йилнинг август ойида иш стажимга бир йил бўлади. Жорий йилнинг январь ойида Президентлигининг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонида асосан таълим муассасасини тамомлаб, илк меҳнат фаолиятини бошлаганим сабабли даромад солиғи 50 фоиз миқдорда олинаётган эди. Бироқ Ўрта Чирчиқ тумани давлат солиқ идораси ходимлари мута-хассислигим бўйича ишламаётганим, яъни автокорхонада диспетчер ёхуд слесарь, жимла курс, ҳайдовчи вазифасида эмас, газета муҳбири сифатида ишлаётганим бос, бу имтиёзга эга эмаслигим ва даромад солиғини тўлиқ тўлашим кераклиги ҳақида айтди. Шу масалага оидлик киритсангиз.

Отабек ИСРОИЛОВ
Ўрта Чирчиқ тумани

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

ҚИШЛОҒИМ БОШҚАЧА

Дилфуза ЖАМОЛОВА

Мана икки йилдирки, азим Тошкентаман. Ўйлан узоқда, яқинларинг дийдорига тўймай яшаш қийин, соғинч азоби қалбни тирнайд. Таътил бошланган дегунча, қишлоққа ошиқаман. Ўша таниш чехралар, меҳрибон, тафти қайноқ инсонларни тезроқ кўрсам, дейман. Элибой бобомнинг эртапишар гилосларини Саломат момонинг ҳижолярию Наргиза опанинг ширмой ноиларини кўрсайман. Бизнинг Чўлқувар овули одамлари ажойиб, бир-бирига ёрдамга ошиқадди, қувончю гамини бирга баҳам кўради.

Қўшнимиз Ҳасанбой аканинг қўйлари талайгина, уларни яёловда ўтлатади. Кунларнинг бирида пода ичига бегона қўй қириб қолибди. Уйга келиб, хотинига бутун қишлоққа хабар беришини, жониворнинг эгасини топиш кераклигини айтибди. Икки кун ичида бу воқеа ҳамма ёққа овоза бўлиб кетди, аммо кўннинг эгаси барибир топилмади. Шунда Ҳасан ака қўйни сўйиб, қишлоқ аҳлига ош дамлаб берди.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

YOSHLIK ILHOMI

Меҳр

"Кун бўйи рўздор ҳолида қурилишда, офтоб тинида ишлади, жуда очикқандир", — ўйлади аёл эрига зимдан қараб. — Яхшиси: "Боя еб олганим, қорним тўқ?"

Сўнги чора

Шеърларимни сотаман... Онам оғир касал.

Замонавий обрў

— Бугун ижтимоий тармоқдаги статусимга 65 та "лайк" босишди, 27 та изоҳ ёзишди, 6 марта ула-шишди. Қалай? Сенда нима гаплар? — Сенчалик эмас. Устозимдан бир марта раҳмат эшитдим, қўшни қария ва онам ҳам мендан миннат-дор бўлди.

Ҳақиқат қуни

Гуллар эгасига берилди. Аёл хурсанд бўлиши кераклигини ҳис қилди. Ҳа, ахир шундай бўлиши керак эди. Эрак ҳам латиф сўзлар излай бошлади ва ниҳоят, топди. Ёллаб бериш қийин бўлмади. Эртасига Ҳақиқат қуни кириб келди. Икки-си ҳам анча енгил тортиди.

Мактуб

"Дадажон, тезроқ келинг! Ойим сизни кута-кута бетоб бўлиб қолди. Бир кунга келсангиз, нариги ойим хафа бўлмайди. Фақат бир кунга..."



— Боланинг ёнаётган пешонасидан қўлини олар экан йиғла-мираб гапирди онаси. — Иу-у-у, ойи, музқай-моқ эмас, фақат кичкина шоколад едим, — дея йўталди Даврон. — Неча маротаба айт-ганман-а, болам. Келиб мендан ружаст сўра, кет-тидан иссиқ чой бераман. Шунда томонинг оғримай-ди, деб. Сендан қизган-манми? Йўқ, ўғлим, касал бўлишининг истамайман, холос. Сен бўлса... Шу гапларни айта туриб

Ўғлингиз". Болакай мактубни ёзиб, дера-задан "самолёт" қилиб учириб юборди. Хат, албатта, эгасига етиб боришига у ишонарди...



КИЧКИНА ШОКОЛАД

Ширинликларни севмайдиган бола бўлмаса керак. Музқаймоқ, шоколад, турли хилдаги конфетлару, қандларни ким ҳам хоҳламайди дейсиз? Бироқ уларни истеъмол қилишда ҳам меъёр бўлиши керак.

Даврон ҳам барча бола-лар каби ширинликларни жуда яхши кўради. Шунинг учун ҳам ойиси ҳар ойда томоқ шифокорини "йўқлаб қўйишни" қанда қилмайди. Ҳали дадаси, ҳали бувисига эркалик қилиб олдирган ширинлик-ларни ойисидан беркийтиб еб олар экан, кеча яқин йўталиб, иситмаалаб, хар-хаша қилишни бошлайди. — Даврон! Яна музқай-моқ едингми? — боланинг ёнаётган пешонасидан қўлини олар экан йиғла-мираб гапирди онаси. — Иу-у-у, ойи, музқай-моқ эмас, фақат кичкина шоколад едим, — дея йўталди Даврон. — Неча маротаба айт-ганман-а, болам. Келиб мендан ружаст сўра, кет-тидан иссиқ чой бераман. Шунда томонинг оғримай-ди, деб. Сендан қизган-манми? Йўқ, ўғлим, касал бўлишининг истамайман, холос. Сен бўлса... Шу гапларни айта туриб

ганча уйқуга кетган аёлига қараб, ичи ачиди. Кеча ўғли боғчадан қайтаётган-нида хархаша қилавергани учун шоколад олиб берган-ди. Ўтган сафар ҳам унинг кўнгишанглиги жабрини она-бола тортган эди. — Лола, Лола, Тур. Жойингга кириб ўхлаб ол. Тонг отди. Давронга ўзим қараб турман. — Сиз, сиз ухламадингизми? Ишга боришингиз керак-ку. Ҳозир нонушта тайёрлайман. Аёл болани уйғотиб юбормаслик учун аста ўрнидан турди. — Йўқ, ишга бормай-ман. Сен кириб ўхла-вер. Бугун ўғлимга ўзим қарайман. Бораюқ! Аёл эшик томон юрар экан, Давроннинг уйқу аралаш айтган сўзларини эшитиб, жойида тўхтаб қолди. — Ойи, ойижон, бошқа ширинлик емайман, ваъда берилди. Фақат сиз йиғламанг... Икки кундан сўнг Даврон яна чопқиллаб кўчага, уйинга берилиб кетди. Лекин у энди ҳеч ҳам дадасига ширинлик олиб бериб деб хархаша қилмайди, ойисининг яна йиғлашини истамайди...


"TRADE CONSULT SERVICE"

МАСЪУПИЯТИ ЧЕКПАНГАН ЖАМИЯТИ
2018 йил 23 июль кунин соат 15:00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

- «Trade Consult Service» МЧЖ «Кибрай Агросервис МТП» МЧЖ балансида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:
1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/934НАА бўлган "Автосамосвал ММЗ 45-02". Бошлангич баҳоси — 14 678 000 сўм.
1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/495КАА бўлган "Бензовоз Г-53". Бошлангич баҳоси — 12 172 000 сўм.
1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/487КАА бўлган "Бензовоз Г-53 А". Бошлангич баҳоси — 13 060 000 сўм.
1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/310ЖАА бўлган "Автомашина (борт) Г-5327". Бошлангич баҳоси — 12 769 000 сўм.
1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/967НАА бўлган "Автосамосвал Г-5314". Бошлангич баҳоси — 14 736 000 сўм.
1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/969НАА бўлган "Автосамосвал ММЗ 554". Бошлангич баҳоси — 14 103 000 сўм.
1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/968НАА бўлган "Автосамосвал ММЗ 554М". Бошлангич баҳоси — 13 966 000 сўм.
1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/936НАА бўлган "Автосамосвал ММЗ67-4504". Бошлангич баҳоси — 13 795 000 сўм.
1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/486КАА бўлган "КАМАЗ 55102 самосвал". Бошлангич баҳоси — 11 700 000 сўм.
1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/489КАА бўлган "ГАЗ 52 Бензовоз". Бошлангич баҳоси — 8 394 000 сўм.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 23 июль кунин соатимай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 3, 13 ва 23 август кунлари соат 15:00 да ўтказилади. Талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошлангичдан 1 (бир) иш кунин олдин соат 15:00 да тўхталиди. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Trade Consult Service» МЧЖ-нинг АТБ "Туронбанк" Яшнобод филиали, МҲО: 01083, СТИР: 304454706, 20208000800701688001 ҳисоб рақамига тўлаши ва қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлангани ҳақида тўлов қоғози. Қўшимча хизматлар курсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумотларни Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзили ёки +998 95 169 55 50 телефон рақами орқали олиш мумкин. Гувоҳнома № 011315.



лингдаги сумкангни-да тортиб кетади. Шундай талотуп чоғида бир аёл йиқилиб тушди. Юғуриб бориб уни ўрнидан турғаздим. Атрофдагилар менга фалати қаради. Кейин фаҳмласам, эшикни тўсиб қўйган эканман... Шаҳарликлар негадир бир-бирига бефарқ. Ҳол-аҳвол сўраш у ёқда турсин, саломни ҳам қизганиди. Қишлоқда эса, бошқача — бир кўрган таниш, деган нақлга амал қилинади. Инсонлар битта ҳаводан нафас олиб, бир осмон остида яшайди-ю, лекин қарашлари, хатти-ҳаракатлари бошқа-бошқа. Ёки шаҳар ҳавоси баъзиларга ўзгача таъсир қилганими? Билмадим. Қадимдан шаҳарлар маданият ўчоғи саналган. Ривожланиш, юксалиш айнан шаҳарлардан бошланган. Лекин тараққий инсонийликдан йироқлашиш дегани эмас-ку! Азиз тенгошим, ўзаро меҳр-оқи-батди бўлайлик. Зеро, бу дунёга сизу биздан қоладигани ҳам шу.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзазонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

ДИЗАЙНЕРЛАР
Абдуллаев Хуршид
Уктамонович
Норбоев Жамолитдин
Жуманазар ўғли

НАВБАТЧИ
Нозима Миясарова

«YOSHLAR OVOZI» дан материалларни кўчириб босиш тахририят ружастини билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси қилинган нарҳда.

Буюртма Г. 636
Адади — 21678

Босишга топшириш вақти — 21 00
Топшириш вақти — 01 28
УЗА яқини — 23 45

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Офис ўрнида босилган.